

ШАРТНОМА №11.08/2022
Махсулот етказиб бериш ҳақида

«25 август» 2022 й.

Наманган в.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ “Муборак ГҚИЗ” (кейинги ўринларда – “Сотиб олувчи”) номидан 15.02.2022 йилда берилган 02-сонли ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи бош муҳандис Ғ.Қ.Хўжакулов бир томондан ва “IDEA UNION” МЧЖ (кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи жамият директори Ж.Шамсиддинов иккинчи томондан, Давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали etender.uzex.uz платформасидаги №137975-сонли лотга асосан ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ушбу шартномага биноан етказиб берувчи 2022-йилда қуйидаги товар моддий бойликларини (кейинги ўринда товарлар деб юритилади) сотиб олувчига етказиб бериш корхона эҳтиёжларида фойдаланиш учун топшириш сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаб бериш мажбуриятини оладилар.

№	Махсулотлар тури	Ўлч. бир	Миқ-дори	Нархи	Умумий суммаси
1	PTZ-камера 4К	шт.	1	18 000 000	18 000 000
2	Блок управления (clevermic)	шт.	1	2 950 000	2 950 000
3	Процессор подавления обратной связи (clevermic)	к-т	1	4 500 000	4 500 000
4	Делегатъ	шт.	26	2 700 000	70 200 000
5	Интерактивный панел 86"	шт.	1	32 500 000	32 500 000
6	Компьютер (Core i5, DDR 4/8 gb, SSD 256 gb, HDD 1 TB, VGA 2 gb, monitor 24 dyum)	к-т	1	6 450 000	6 450 000
7	Звуковая карта (EPOS)	шт.	1	2 890 000	2 890 000
8	Студийная колонка	шт.	2	3 700 000	7 400 000
9	Микшер	шт.	1	7 515 000	7 515 000
10	Лед панел 4,2x2,5 м	к-т	1	135 000 000	135 000 000
11	Микрофонный пульта председателя беспроводной	шт.	20	2 700 000	54 000 000
12	Блок управления беспроводной E240M	к-т	1	14 400 000	14 400 000
13	PTZ-камера 4К	шт.	2	18 000 000	36 000 000
14	Студийна колонка	шт.	4	4 300 000	17 200 000
15	Микшер	шт.	1	3 160 000	3 160 000
16	Усилитель звука	шт.	1	4 500 000	4 500 000
17	Контроллер сетевой инфраструктуры (Ubiquiti)	шт.	1	3 500 000	3 500 000
18	Grandstream IP-АТС	шт.	1	6 650 000	6 650 000
19	Patch шнур SM	шт.	4	115 000	460 000
20	IP Телефон Grandstream	шт.	14	2 050 000	28 700 000
21	VoIP шлюз Grandstream	шт.	4	8 150 000	32 600 000
22	Шкаф 18U	шт.	1	3 050 000	3 050 000
23	Шкаф 6U	шт.	2	880 000	1 760 000
24	Пилот 5 м.	шт.	4	240 000	960 000
25	Управляемый POE коммутатор TL-SG3424P	шт.	4	4 800 000	19 200 000
26	WI FI роутер	шт.	6	1 300 000	7 800 000

27	Моноблок 27	шт.	12	12 500 000	125 000 000
28	Ноутбук HP Core i5	шт.	2	16 900 000	33 800 000
29	Принтер 4 в 1 A3 цветной Epson	шт.	2	14 400 000	28 800 000
30	Принтер 4 в 1 A4 цветной Epson	шт.	2	12 700 000	25 400 000
31	Принтер 4 в 1 A4 черно-белый Canon	шт.	4	3 850 000	15 400 000
32	Принтер A4 черно-белый Canon	шт.	4	1 900 000	7 600 000
33	Пилот 3М	шт.	12	250 000	3 000 000
34	Розетка RJ-45 6 cat	шт.	60	39 000	2 340 000
35	RJ-45	шт.	250	1900	475 000
36	HDMI 10 m	шт.	3	185 000	555 000
37	PTZ-камера	шт.	14	4 500 000	63 000 000
38	NVR 16 port	шт.	1	1 900 000	1 900 000
39	Жесткий диск Ext HDD Transcend 8TB	шт.	2	2 850 000	5 700 000
40	Телевизор 55" Samsung	шт.	1	8 500 000	8 500 000
41	Кронштейн для телевизора	шт.	1	280 000	280 000
42	POE switch 16 port TP-Link	шт.	1	1 250 000	1 250 000
43	Модуль SFP CWDM оптический	шт.	12	650 000	7 800 000
44	Патч панел 24 port UTP Cat 5e	шт.	4	370 000	1 480 000
45	ODF	шт.	2	850 000	1 700 000
46	Piktel	шт.	24	32 000	768 000
47	Сенсорный панел 75"	шт.	1	18 000 000	18 000 000
48	Кронштейн для сенсорного панеля	шт.	1	280 000	280 000
49	Планшет Tab A8	шт.	2	7 200 000	14 400 000
50	RJ-11	шт.	300	660	198 000
51	HDMI кабель 4K	шт.	70	4 500	315 000
	Жами				904 286 000,0

2. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ, ҲИСОБ КИТОБЛАР МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий баҳоси **904 286 000,0** (Тўққиз юз тўрт миллион икки юз саксон олти минг) сўмни ҚҚС билан ташкил қилади.

2.2 “Сотиб олувчи” “Етказиб берувчи”га шартноманинг умумий баҳосини 30 % миқдордаги олдиндан тўловни шартнома имзоланганидан бошлаб, 10 банк куни давомида, қолган қисмини эса товар берилганидан бошлаб, 30 кун давомида пул кўчириш ёки Ўзбекистон Республикасида жорий қилинган бошқа тўловлар билан амалга оширади.

3. ЕТКАЗИБ БЕРИШ, МУДДАТИ, ТАРТИБИ ВА ТОВАРНИ СИФАТИ

3.1. “Етказиб берувчи” ушбу шартномани 1.1. бандига кўрсатилган товарларни “Сотиб олувчи” олдиндан тўловни амалга оширганга бошлаб, 3 (уч) кун муддатда етказиб беради.

3.2. Техник топшириқга кўрсатилган манзил бўйича “Етказиб берувчи” белгиланган тартибда транспорт воситалари орқали товарларни заводга етказиб беради.

3.3. “Етказиб берувчи” товарлар ҳақидаги ҳужжатларни (паспорт, фойдаланиш йўриқномаси, сертификат ва бош.) “Сотиб олувчи”га тақдим қилади.

ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТИ

4.1. “Етказиб берувчи”нинг мажбуриятлари:

4.1.1 Товар ва унга оид ҳужжатларни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолда ва муддатга “Сотиб олувчи”га топшириш.

4.1.2 Товарни шартнома шартларига жавоб берадиган миқдорда ва сифатда, ташиш жараёнида унинг бузулиши, синиши ёки йўқ бўлиши мумкинлигини истисно қиладиган даражадаги идишларда ва ўралган ҳолда топшириш.

4.1.3. Сифати лозим даражада бўлмаган товар етказиб берилганлиги ҳақидаги хабарномани олган пайтдан бошлаб, 5 (беш) кун муддатда сифати лозим даражада бўлмаган сифатлисига алмаштириш.

4.2. “Сотиб олувчи”нинг мажбуриятлари:

4.2.1. Кабул қилиш далолатномасини расмийлаштирилган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни сифатли қабул қилиш.

4.2.2. Сифати лозим даражада бўмаган товар етказиб берилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган вақтдан бошлаб 2 (икки) кун давомида бу ҳақда “Етказиб берувчи”ни хабардор қилиш.

4.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда маҳсулотлар ҳақини тўлаб бериш.

5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

5.1. Тарафлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ўзлари, уларнинг ходимлари, филиаллари, бенефитсиарлари, ва бизнес шериклари, воситачилар, субпудратчи ёки Шартномани бажаришда иштирок этадиган агентлар коррупция ҳаракатларини амалга оширишни, я’ни пора олиш, тижорат пора олиш, пора бериш ёки беришда воситачилик қилиш, жиноятчиликдан олинган халқаро актларда назарда тутилган даромадларни легаллаштириш (ўзлаштириш) ва терроризмни молиялаштиришда назарда тутилган коррупцияга ва ушбу ҳуқуқбузарликка қарши курашиш мақсадида давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқороларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходимига пора бериш кабиларга амалдаги коррупцияга қарши қонунчилик талабларига риоя этилишини та’минлайдилар.

5.2. Тарафлар тўғридан-тўғри ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали таклифлар, ва’далар, бериш, товламачилик сўровлар, пул бошқа қимматбаҳо буюмлар, мулк, мулк ҳуқуқи ёки бошқа моддий ва моддий бўлмаган буюмлар, эвазига фойда кўзлаши ёки тарафлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклигига мос келмайдиган мақсадларга эришиш учун уларга та’сир ўтказадиган шахсларнинг асосиз устунликка эришишига ёл қўймаслиги зарур. Тарафлар ушбу ҳаракатлар олдини олиш чораларини кўришни кафолатлайдилар. Тарафлар коррупцияга қарши курашиш қонунининг бузилишида гумонларнинг пайдо бўлиши ёки шартнома доирасида улар томонидан жалб қилинганлар, ходимлар, фойда олувчилар, ушбу иш билан боғ’лиқ шахслар ёки бошқа шахслар томонидан бузилиш эҳтимоли тўғ’рисида (шу жумладан корпоратив электрон почтадан фойдаланган ҳолда) бир бирини ёзма равишда очик ва дархол шартнома шартларида кўрсатилган коррупцияга қарши низоми асосида хабардор қилиш мажбуриятини оладилар.

5.3. Тарафлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўришни кафолатлайди. Тарафлар шартномани бажариш доирасида улар томонидан жалб қилинганлар, ходимлар, бенефитсиарлар, каффилланган ёки бошқа шахслар томонидан бузилиши ёки бузилиши эҳтимоли борлиги ҳақида бир-бирларини ёзма шаклда (шу жумладан корпоратив электрон почталардан фойдаланган ҳолда) очик ва дархол хабардор қилиши шарт.

5.4. Шунингдек, агар Тарафлардан бири амалдаги қонунчилик ва ушбу битимнинг коррупцияга қарши курашиш қоидаларини бошқа тараф, унинг ходимлари, бенефитсиарлари, шериклари ёки шартномани бажаришда иштирок этадиган бошқа шахслар томонидан бузилиши содир бўлганда ёки содир бўлиши мумкинлигини билиб, асосли шубҳаларга эга бўлса, қарши тарафга ёзма мурожаат этиш ва ушбу мурожаатга 10 (ўн) иш кунида ҳуқуқбузарлик фактини рад қилувчи ёки тасдиқловчи изоҳлар ва ма’лумотлар ҳужжатларини тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли.

5.5. Тарафлар, агар улардан бири ушбу бобнинг талабларини бажармаган бўлса, шунингдек бошқа тараф ўрнатилган муддатларда коррупцияга қарши курашиш талабларнинг бузилиши содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тўғ’рисида тасдиқ олмаган бўлса, унда бошқа тараф шартномани бир тарафлама бекор қилишга ҳақлидир ва бу шартнома бажарилишини тўхтатиб қўйишга тенг деб ҳисобланади.

5.6. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бекор қилишни талаб қилган тараф қарши тарафдан етказилган зарарни қопланиши шартноманинг тегишли моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади, шу билан бирга ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган тараф унга етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас.

5.7. Агар шартнома бўйича бирон бир тараф ташкилот ходимларининг ҳаракатларига, ушбу шартнома ёки амалдаги қонунчиликка, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этишга мажбурлаш фактларига дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали

хабар қилиши мумкин:

Буюртмачининг;

- +998 (71) 233-28-88 рақамли "Ишонч телефонига" оғзаки муурожаат қилиш;
- [хтп://www.унг.уз/сонтастс/](http://www.унг.уз/сонтастс/) расмий веб-сайтида жойлаштирилган форма орқали.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги учун, томонлар Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998й. 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа амалдаги ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

6.2. Шартнома мажбуриятларини тўлиқ бажармаган томон иккинчи томонга кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,1 % миқдориди, лекин шартноманинг бажарилмаган қисмини 20 % дан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

6.3. Неустойка (жарима, пеня) тўлаганидан қатъий назар шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

7. ФОРС-МАЖОР ВАЗИЯТЛАР

7.1. Томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилади, агарда бу мазкур шартнома тузилгандан сўнг, томонлар кўзда тутиши, оқилона чоралар билан олдини олиши мумкин бўлмаган ва томонлар ўз мажбуриятлар тегишли тарзда бажариш бўйича ўзларига боғлиқ барча чораларни кўрган, фавқулодда характердаги ҳодисалар натижасида содир бўлган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) билан боғлиқ вазиятлар оқибатида юзага келганлигини исботламаса. Форс-мажор вазиятларга хусусан: уруш ҳаракатлари, табиат кучлари таъсири (зилзилалар, сув тошқини ва х.к.), давлат органларининг қарорлари қиради.

7.2. Форс-мажор вазиятлар бошланганлиги ҳақида томонлар улар бошланган пайдан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида бир-бирини хабардор қилиши керак.

7.3. Форс-мажор вазиятлар юзага келган ҳолда, мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилиш муддати бундай вазиятлар ва уларнинг оқибатлари таъсир қилиш вақти давомида узайтирилади.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафлар ўртасида мазкур Шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишуви билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судда ҳал қилинади.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1 Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабр кунига қадар амал қилади.

9.2 Шартнома юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилади ва томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилади.

9.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«Сотиб олувчи» “Ўзбекнефтгаз” АЖ “Муборак ГҚИЗ”	«Етказиб берувчи» “IDEA UNION»” МЧЖ
180900, Қашқадарё вилояти	Манзил, Наманган вилояти, Чортоқ шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 157
Муборак тумани, Саноат зонаси, Муборак ГҚИЗ	Тел.: (93) 378 63 61
х/р: 20 21 0000 3001 2433 9001	х/р: 2020 8000 5052 2596 1001
“Ўзсаноатқурулишбанк” АТБ Яшнабод БХМ	Тошкент ш, “Asia Alliance Bank” ОПЕРУ
МФО: 00440	МФО 01095
ИНН: 200837914	ИНН: 300808442
Бош муҳандис  Ф.К.Хўжакулов	Директор:  Ж. Шамсидинов



009-к/п, 2022